

ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ, ДАРСЛИК ВА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Ташанов Камил Юлдашевич – филология фанлари номзоди, доцент. Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти, Ўзбекистон Республикаси, Нукус шаҳри.

Базарова Раҳима Ғанижон қизи – Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Туркий тиллар факультети Ўзбек тили ва адабиёти бакалавр таълим йўналиши талабаси, Ўзбекистон Республикаси, Нукус шаҳри.

Аннотация: Мақолада Давлат таълим стандарти талаблари, 2022-2023 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 7-синфи адабиёт дарслигининг сифати ва замонавий таълим мазмун-моҳиятига талаблар масаласи ўрганилиб, таҳлиллар асосида маърузада кўтарилган масалалар далolatланган.

Калит сўзлар: давлат таълим стандарти, замонавий таълим, таълим мазмуни, дарслик ва б.

Бугун буюк мақсад ва эзгу ғоялар йўлида мамлакатимиз таълимида чуқур тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 6-ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сонли Фармонида, Олий Мажлисга Мурожаатномасида таълим-тарбия соҳасини янги босқичга кўтариш, ёш авлодни етук инсон ва касб эгаси қилиб тарбиялашга қаратилган тарихий аҳамиятга эга вазифалар белгилаб берилди.

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни халқаро стандартларга интеграциялаш, меҳнат бозори талабига мос юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳамда миллий менталитет ва миллий ғояни рўйбга чиқарадиган юксак маърифатли, маданиятли янги авлодни тарбиялаш, таълим-тарбия, ўқитиш усулларининг янги, замонавий методларини яратиш мақсадида ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда мактабгача ва умумтаълим таълим тизимини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини яхшилаш, дуал тизим асосида мактабдан ажралган ҳолда касб-хунар коллежларнинг ишлаб-чиқариш корхоналарида ёки ташкилотларда жойлашган ўқув базаларида касб-хунар ўргатиш, олий таълим тизимини дунё стандартларига мослаштириш, халқаро рейтингларга киритиш, мамлакатимизда нуфузли чет эл университетларининг филиалларини очиш каби кўплаб ишлар олиб борилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этишдек юксак мақсад учун курашилаётган ҳозирги жараёнда мактов айтишдан кўра, камчиликларни танқид қилиш,

уларни бартараф этиш бўйича таклифлар айтиш минг баробар муҳим ва фойдалидир.

Аmmo минг афсуслар бўлсинки, мамлакатимиз таълим тизими ривожига, айниқса, унинг дунё стандартлари даражасига чиқишига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Булар нималардан иборат ва уларни бартараф этиш йўллари қандай?

Маълумки, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлиги савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражасини ва таълим мазмуни шакллари воситалари, усуллари ва уларнинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида, мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли таълим муассасаларида (давлат ва нодавлат) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. ДТС ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, низомлар ўқув режаси ва бошқа маёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Умумий ўрта (касб-ҳунар ва олий) таълимнинг Давлат таълим стандарти ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, ҳудуд таълим муассасалари манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради ҳамда энг муҳими ўқувчи шахси, унинг интилишлари қобилияти ва қизиқишлари устиворлигидан келиб чиқади.

Ўзбекистон республикасининг 2020 йил 23 сентябрида қабул қилинган 637-сонли “Таълим тўғрисида” қонунининг 1-бобнинг 1-моддасида **“Ушбу Қонуннинг мақсади таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат”**лиги, 4-моддасида **“Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги; Ўқув дастурларини танлашга доир ёндашувнинг ягоналиги ва табақалаштирилганлиги”** кўрсатиб ўтилган. [1.] Шунингдек, мазкур қонуннинг “Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари” 34-моддасида **“Давлат таълим стандартларини ва (ёки) давлат таълим талабларини бажариш барча таълим ташкилотлари учун мажбурий”**лиги белгилаб қўйилган. [1.] Демак, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни билан бир қаторда таълим стандарти асосий меёрий ҳужжат ҳисобланади.

Бугунги кунда амалда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6-апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги

187-сон қарори билан тасдиқланган Давлат Таълим Стандарти кўлланилмоқда.

Айтиш лозимки, жаҳон амалиёти тажрибаси асосида яратилган таълим стандартлари ҳар бир фан бўйича ўзлаштирилиши зарур бўлган билимларнинг минимал даражасини белгилашга имкон берди.

Хўш, бугунги кунда амалдаги Давлат таълим стандарти, ўқув режаси ва дастурлари, иш режалар (тақвимий-режа), дарсликлар ўртасида фарқлар мавжудми?

Давлат Таълим стандартида умумтаълим мактабларнинг Адабиёт фани 7-синфида 8-мавзуси: *“Расул Ҳамзатов. “Она тилим”, “Кенжа неварам Шахризодга” шеърлари*”ни, 8-синфида 47-48 мавзуларда: *“Сергей Есенин. “Доғлар кетмиш мажруҳ кўнгилдан...”, “Синглим Шурага”, “Она ибодати”, “Ит ҳақида қасида” шеърлари*”ни ўрганилиши аниқ қилиб кўрсатиб ўтилган.

2022-2023 ўқув йили умумтаълим мактаблари учун амал қилаётган Давлат таълим стандарти, ўқув режаси ва дастурлари ўзгариш қолаётган бўлса ҳам уларга номувофиқ, амал қилмаган ҳолда тақвимий режа ва дарсликка ўзгартиш киритилган.

Адабиёт фанидан амалдаги Давлат таълим стандарти, ўқув режаси ва дастурлари, тақвимий-режаларнинг 8-синфида ўқитилиши лозим бўлган *“Сергей Есенин. “Доғлар кетмиш мажруҳ кўнгилдан...”, “Синглим Шурага”, “Она ибодати”, “Ит ҳақида қасида” шеърлари*” мавзуси 7-синфга кўчирилган ва *“Сергей Есенин. “Шаҳинам, о, менинг Шаҳинам...”* тарзида берилган. Яъни Давлат таълим стандарти, ўқув режаси ва дастурларида шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериш билан бирга Сергей Есениннинг *“Доғлар кетмиш мажруҳ кўнгилдан...”, “Синглим Шурага”, “Она ибодати”, “Ит ҳақида қасида”* шеърларида шоирнинг *“Шарқ руҳиятининг нозик илғаб олинishi ва маҳорат билан акс эттирилиши. Шеърлардаги лиризм ва ритм. Тилнинг жозибадорлиги ва образларнинг миллий ўзига хослиги. Шеърлардаги лиризм ва мусиқийликни сақлаб қолишида Эркин Воҳидовнинг таржимонлик маҳорати”* назарда тутилган.

2022 йил Республика таълим маркази томонидан З.Мирзаева, К.Жалиловлар томонидан тузилиб, нашр этилган умумтаълим мактабларининг 7-синфи учун “Адабиёт” дарслиги бугунги кунда амалиётга жорий этилган. Унда Сергей Есениннинг “Форс тароналари” туркумидан “Шаҳинам, о, менинг Шаҳинам” шеъри ҳамда: *“Бу мавзуда биз:*

– *“Шаҳинам, о, менинг Шаҳинам...” ва “Қушқанотли, ҳой карвон...” шеърларидаги Ватан образини қиёслаймиз;*

– *бармоқ тизимига хос хусусиятлар ҳақида билиб оламиз” тарзида изоҳ берилган. [2.108-109]*

Шу билан бирга, Давлат таълим стандарти, ўқув режаси ва дастурлари, тақвимий-режалардаги Сергей Есениннинг “Доғлар кетмиш мажруҳ кўнгилдан...”, “Синглим Шурага”, “Ит ҳақида қасида” шеърлари ташлаб кетилган ҳолда “Она ибодати” шеъри мустақил мутолаа ва таҳлил этиш учун киритилган.

Энди дарсликка киритилган Сергей Есениннинг “Шаҳинам, о, менинг Шаҳинам” шеъри ҳақида. Маълумки, шоирнинг “Форс тароналари” туркум шеърлари муҳаббат мавзусидан баҳс этади. “Шаҳинам, о, менинг Шаҳинам”, “Доғлар кетмиш мажруҳ кўнгилдан”, “Хуросонда бир дарвоза бор”, “Фирдавсийнинг мовий диёри”, “Талпинма кўп, девона кўнгил” сингари шеърлари мулоҳазаларимизни тасдиқлайди.

Есениннинг “Шагане, ты моя, Шагане” шеърининг ўзининг яратилиш тарихи бор. Бу ҳақда адабиётшунос Б.Раҳмонов шундай ёзади: *“Шоир шеърларида севикли ёрнинг исмлари ҳам аниқ келтирилади. Шулардан бири Шагане (Шаҳина). У туркумдаги олтига шеърда учрайди. Учасида эркалаб айтиладиган Шага шаклида. Бу исм Шарқ манбаларида учрайдиган гўзал маҳбуба Шоҳинадир. Лекин ушбу маълумотни, албатта, келтириб ўтишимиз керак. Чунки унда арманча исм эканлиги айтилиб ва шоир билан боғлиқ бир воқеа келтирилади. Есенин 1924 йилда Ботумида мактабда адабиётдан дарс берувчи муаллима Шагане Нерсесовна Тальян билан танишиб қолади ва уч кундан кейин “Шагане, ты моя, Шагане” шеърини олиб келади, кўп ўтмай эса шеърлар китобини тақдим этади... шундан сўнг шоир Ботумидан жўнаб кетади ва у қиз билан бошқа кўришмайди”.*[3.65-66]

Маълумотларга кўра, шоир ёш муаллиманинг хуснига мафтун бўлиб қолади ва унга ўзини яқин тута бошлайди. Шагане ўзининг мактубларида Есенин билан учрашувлари ҳақида эътироф этган.

Кўринадики, Шагане шоирнинг қалб торларини назокат билан чертган муҳаббат тимсоли. Бу тимсолнинг унинг шеърларига келиши тасодифий бўлмай, ўзининг ҳаётий заминига эга. Маълум бўляптики, шоирнинг “Форс тароналари” туркуми ва ундаги “Шагане, ты моя, Шагане” шеърининг бош мавзуси муҳаббатдир. Бу муҳаббат шоирнинг Шарқ гўзалига муҳаббатидир. Шеърдаги ҳар бир тасвир, ифодада шоирнинг муҳаббат мавзуси негизида

нозик метафораларда ифодаланган ҳиссий кечинмалари тасвирланган. Негаки, метафора матнни кучлироқ ва ҳиссиётли қилишга имкон берувчи адабий услуб бўлиб, метафора деганда, ўхшашлик асосида бир объект ёки ҳодисани бошқаси билан яширин таққослаш тушунилади.

Бизнингча, Есениннинг бу шеърини ўқувчиларнинг ёши ва физиологик хусусиятларидан келиб чиқиб, 7-синф дарслигига киритмаслик, аксинча ДТСга амал қилиш лозим эди. Бундай камчиликларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Лекин, аччиқ ҳақиқат бўлса ҳам айтиш керакки, бугунги кунда амалда умумтаълим мактабларида қўлланилаётган тақвимий режа ва дарсликларнинг ҳеч қандай давлат томонидан тасдиқланган асоси йўқ. Тўғри, Халқ таълими вазирлиги ва республика таълим маркази томонидан китоб ҳолида чиққан нашр мавжуд. Лекин у давлат ёки ҳукумат томонидан тасдиқланган эмас.

Маълумки, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, уларда коммуникатив кўникмалар, танқидий ва креатив фикрлаш, жамоа бўлиб ишлаш, тадқиқотчилик каби кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим дастурлари амалиётга киритилади.

Кўпгина ҳолларда машғулот учун ажратилган вақт ўқитувчи шахси ва ўз фанига ҳурмат уйғотмоқчи бўлган муаллимнинг фойдасига ҳал бўлавермаса анъанавий усуллардан воз кечиш, янгиликка интилиш, таълимда янги технология жорий қилиш тақозо этилади. Одатда кўпгина ўқитувчилар ўқув йили (семестр)да бир ёки икки марта ўтказадиган очик (намунали) дарслари учун кўпроқ изланадилар, ихтирочи ва кашфиётчи сифатида намоён бўладилар. Назаримизда, бугунги ва келажак давр **“Менинг ҳар бир дарсим очик”** деб эълон қилишни талаб қилмоқда. Бу ўқитувчининг педагогик технологияларни қай даражада ўзлаштиргани ва уларни дарс жараёнида қўллаш олиши билан узвий боғлиқдир. “Замонавий педагогик технологиялардан барча педагоглар хабардор бўлишлари зарур”. [4.104.]

Дарҳақиқат, адабиёт фани ўқитувчиси ўқитиш жараёнига янги таълим технологияларини киритиб, ноанъанавий таълим усулларидан, шунингдек, таълимнинг инновацион (янги) усуллари ва бошқаларни қўллаши муҳимдир. [5.16-17] Адабиёт фани мазмунини такомиллаштириш учун технологиянинг илғор усулларига таяниб иш кўриш воситасидагина таълим самарадорлигига эришиш мумкин.

Умуман айтганда, ўқув жараёнини такомиллаштиришдан кўзланадиган асосий мақсад унинг сифатини янги поғонага кўтаришдир. Шунга кўра ўқитувчининг фаолиятида қандай янгилик вужудга келиши керак? Аввало у материални шунчаки баён этмаслиги ва ўқувчиларга тайёр хулосалар ҳамда умумлашмаларни айтиб бермаслиги, балки уларнинг фикрини ўрганиладиган объектга жалб қилиши, ундан муаммо топиши ёки имкон бўлса, ўқувчиларнинг ўзларини мазкур объектдаги муаммони мустақил ҳолда ўйлашга рағбатлантириши, муаммоли вазиятни яратиб, уларнинг диққатини сафарбар қилиши, тафаккурни фаоллаштириши, таълимдаги лоқайдликни бартараф этиши, ўқувчиларга ўзларича мулоҳаза юритиб зарур хулосалар ва умумлашмалар чиқаришда ёрдам бериши, уларни кузатишга, тасаввур қилишга, эслаб қолишга, ижодкорликка ўргатиши, яъни у ўз тарбияланувчиларини олган билимлари билан кузатилган ҳаётий фактлар ва ҳодисаларга таққослаш, шу асосда тўғри хулосалар ва умумлашмалар чиқаришга одатлантириши керак. Мана шуларнинг ҳаммаси таълим жараёнига замонавий мазмун бахш этади.

ИҚТИБОСЛАР

1. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. <https://lex.uz/docs/5013007>
2. Adabiyot. 7-sinfi uchun darslik. Tuzuvchilar: Zulxumor Mirzayeva, Komil Jalilov. Toshkent. Respublika ta'lim markazi. 2022. 108-109-betlar
3. Раҳмонов Б. Вафо қисмати. – Тошкент, Мухаррир. 2011. 65-66 бетлар.
4. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент. Ўқитувчи, 2004.-104 бет.
5. Ибрагимова М., Шерматова Ҳ. Таълим жараёнида фаол усулларни қўллаш. Узлуксиз таълим.- Т.: 2005. 5-сон, - 16-17 б.